



Vebsayt: <https://involta.uz/>

ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚЛАРИ ЗАРГАРЛИК МАДАНИЯТИДАГИ ЎХШАШЛИКЛАР ВА ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Утепова Турдыхан Балтабаевна

Ўзбекистон давлат консерваторияси

Нукус филиали ходими

Аннотация: *Халқларнинг тарихи ва маданияти, жумладан, жаҳон цивилизациясида из қолдирган туркий халқларнинг тарихий-этнографик қадриятларини ўрганиш, Марказий Осиё водийсини мерос қилиб олган аجدодларимизнинг бой маданий қадриятлари сирларинидан баҳраманд бўлиш- бугунги кунда этнология олдидан турган энг долзарб масалалардан биридир.*

Ушбу мақолада ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг анъанавий маданияти намуналаридан бири бўлган-заргарлик ҳунармандчилиги ва ундаги умумийлик ва ўзига хос жиҳатлар муҳокама қилинади. Бундай масалаларни ўрганиш халқлар ўртасида ўзаро тушуниш ва маданий ҳамкорликка эришишига катта ҳисса қўшилиши шубҳасиз.

Аннотация: *Изучение истории и культуры народов, в том числе историко-этнографических ценностей тюркских народов, оставивших свой*

след в мировой цивилизации, приобщиться к тайнам богатых культурных ценностей наших предков, унаследовавших Центральную Азиатская долина - это одна из самых актуальных проблем, стоящих сегодня перед этнографией.

В данной статье рассматривается один из примеров традиционной культуры узбекского и каракалпакского народов - ювелирное ремесло, его общие черты и особенности. Изучение таких вопросов, несомненно, будет способствовать достижению взаимопонимания и культурного сотрудничества между народами.

Калит сўзлар: заргарлик буюмлари, урф-одатлар, этнография, миллат, этнос, хунармандчилик

Ключевые слова: Ювелирные изделия, обычаи, этнография, нация, этнос, ремесла.

Ўрта Осиё халқларининг миллий ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи қадимий маданияти ва тарихи билан узвий боғлиқ бўлган муҳим маданий объектлардан бири - заргарлик буюмларидир. Ҳар бир минтақа маданиятида заргарлик хунарининг нинг учун ўзига хос фарқ ва хусусиятлар мавжуд.

Тарихий даврлар ўзгарувчанлиги мобайнида Марказий Осиёда бадиий хунармандчилик энг ривожланган давр XIX-XX асрларда бошланган эди. Айниқса ўзбек хонликлари улкаларида заргарлик хунари тез суръатлар билан ривожланди. Кўпгина шаҳарларда масалан, Хива, Бухоро, Қўқон, Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Тошкент, Андижон, Урганч, Нурота, Китоб, Чуст, Асака, Ғиждивон, Марғилон ва бошқа жойларда уста заргарлар бўлиб, улар махсус маҳалла-маҳалла бўлиб яшаганлар. Шунинг учун заргар (заргарон) маҳалла деб юритилган. Хивада 1860-йилда 12 та, XX асрнинг бошларида Бухорода 400 тагача, Тошкентда эса 100 дан ортиқ, Самарқандда 1893 йили 20 дан ортиқ заргарлар дўконлари бўлган.

Маҳаллий аҳоли турмушида заргарлик буюмларининг аҳамияти катта

бўлиб, шу зеб-зийнатлар соҳибалари ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ўрни ҳамда мавқеи қай даражада эканлиги кўриниб турган. Бундан ташқари, бадий жиҳатдан қандай қимматбаҳо тошлар билан безатилгани, қайси моҳир усталар томонидан ясалганлигига қараб ҳам баҳоланган.

Марварид ва ноёб тошлар билан безатилган зеб-зийнатлар асосан аслзодалар, хон ва амирлар саройи аъёнлари учун ишланган. Ўртаҳол аҳоли табақалари орасида кўпроқ кумуш суви юритилган, ранго-ранг тош ва шишачалар билан безатиладиган тақинчоқлар русм бўлган. Камбағаллар кумуш, мис, биринж ва шишалардан ишланган заргарлик буюмларини тақишган. Энг оммавий равишда тарқалган зийнатлар асосан кумушдан ясалган.

Зеб-зийнатлар турли техник усуллар қўлланилиб ясалган: олтин, кумуш, мис, қалайи, жез каби хомашё маъданларни эритиш ва қуйиш (табанак), хойис болға билан болғалаш (хоискори), қолиплаш (қолипаки), (шабака), майда-нозик ишларни бажариш (раҳкори), зиғирак ва ҳоказо.

Заргарлик буюмларини жимжимадор ўйма нақшлар (кандакори), шакллар (чизма) билан безаганлар. Гул-нақшлар ва улар атрофига қора кумуш суви ёки мийно эмалини бир текис суртиб, жило берганлар. Узук, зирак, тиллақош, зебигардон ва бошқаларга феруза, маржой, садаф, ёқут, зумрад, дур кабилардан кўз солганлар, бундай кўзлар ўрнига кўпинча шиша ва маржой, рангдор ойна ҳамда майда мунчоқларни ҳам ўрнатишган.

Аёллар тақинчоқлари — мунчоқлар, сирғалар, билагузуклар ва узуклар асосан кумушдан ясалган бўлиб, тилла ва зардўзли буюмлар фақат бадавлат кишиларга (айниқса, ўтроқ аҳолига) эга бўлган. Уларни бухоролик ва самарқандлик заргарлар ясаган.

Заргарлик буюмлари орасида маржон бонсуклар барча ёшдаги аёллар (чин маржони), ёш аёллар эса мунчоқ ва кумуш тангалар (зебигардон) тақиб

юришади. Турмушга чиққан аёл бурун учига латиба деб аталадиган сирға кийиши керак. Ёш келиннинг салласи бир-бирига ўралган кумуш чойшаб ва брелоклардан иборат кумуш безак (синсила) билан безатилган.

Тиллақош — юпқа тилла ҳал юритилган кумуш пластинкадан ясалиб, феруза ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Айниқса Бухоро, Тошкент ва Фарғона водийсида русм бўлган.

Зебигардон — бўйинга тақилиб, кўкракка тушириб қўйилади, ҳалқача, садаф, мунчоқ маржонлар бир-бирига бириктириб ясалишидан ҳосил бўлади, куббалари қимматли тошлар билан безатилган.

Узук — учинчи бармоқдан ташқари (бу бармоққа фақат ғассоллар тақишади) барча бармоқларга тақса бўладиган зийнат белгиси бўлиб, ўртасидаги кўзига нодир тошлар ўрнатилган, ўзи олтин, кумуш, мисдан ясалган.

Билакузук, дастпона — тилла, кумуш, мисдан, мунчоқ, маржой шодаларидан ҳам ясалиб, бодомча, япалоқ, илонбоши, бақабоши, росмана, кичик билакузук каби турлари мавжуд. Бухоро ва Самарқандда шабака, Хоразмда — зал вор л и билакузук, Тошкент ва Фарғона водийсида — вазни енгил, ўйма нақшли қора кумуш суви юритилган билакузуклар кўпроқ учрайди.

Исирға, зирак — аёллар ёқтирган бу зийнат буюмнинг кўзида ноёб тош ўрнатилиб, майда шиша тошчалардан иборат шокилалари ҳам бўлади, кашқар — балдоқ, ойбалдоқ, ҳалқа кабилар ҳам қулоққа тақилиб, олтин ва кумушдан ишланади, кўпроқ Фарғона водийсида учрайди.

Биз таърифлаб ўтганларимиздан ташқари кўкракка — мурғак, нозигардон, бўйинга — тумор, маржой, бозбанд, бошга олтин тумор, қўлтиқ остига — қўлтиқ тумор, белга — камарбанд, сочга — сочпопуклар, туф, зулфи тилло, осма безак, бутундирноқ, яримдирноқ кабилар тақиб юрилган.

Бухоро, Хива, Қўқон, Самарканд, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Тошкент, Наманган, Андижон каби шаҳарларда яшаб, ижод этган моҳир заргарлар уз нафис буюмларини ўша даврларда раем бўлган намуна — андазалар асосида истеъмолчилар нинг буюртмаларидан келиб чиқиб ясаганлар. Маҳаллий халқ усталари ижодида қўшни мамлакатлар билан маданий-иқтисодий алоқалар ва мазкур ўлкаларда яшаган усталарнинг тажрибаси акс этган. Улар нафақат аёллар учун, балки бу нафис хунармандчилик қадрига етадиган юксак дидли кишилар учун тинимсиз меҳнат қилиб, чинакам санъат асарларини яратганлар.

Қорақалпоқлар ҳам Ўрта Осиё халқлари каби қадимдан заргарлик билан шуғулланган. Қорақалпоқ халқининг заргарлик санъати ҳақида маълумотлар кам. Бироқ уларнинг тақинчоқлари Ўрта Осиё халқлари маҳсулотларидан фарқ қилган.

XIX-XX асрларда қорақалпоқларда заргарлик санъати юксак даражада ривожланган. Булар, асосан, аёллар тақинчоқлари ва эркаклар бош тасмалари, камарлари ва бошқа да буюмларни яратиш билан шуғулланади. Кумуш ва олтин буюмларга талаб катта бўлган. Ҳар бир катта қишлоқнинг ўз заргарлари бўлиб улар қўшни кичик қишлоқларнинг эҳтиёжларини ҳам қондирди.

Заргарлар буюртмани ўз уйларида қабул қилишган, баъзан эса мижозлар ўзлари уйларида ишлашга таклиф қилишган. Камдан-кам ҳолларда заргар асбоб-ускуналарини олиб, қишлоқма-қишлоқ юриб, буюртмалар қабул қилган. Буюртма битгач ишдан кейин иш ҳаққини нақд, буғдой ёки чорва моли қиймати билан баҳолаб билан заргарга тўлаган. Баъзи заргарлар кумуш тангалар билан тўлашни талаб қиларди.

Заргарлик буюмларига бўлган талаб юқорилиги боис, мижоз ўз буюртмасини бир неча ой кутишга мажбур бўлган ҳолатлар мавжуд. Заргарлик буюмларида фарқ жуда кам бўлган. Заргарлик устаси яқин қариндошларининг ёки ўзининг ўғлини шогирдликка олиб хунар ўргатарди.

[8, 89-б.].

Ижтимоий ҳаёт қийинчиликлари боис, заргарларнинг аксарияти бу хунардан тирикчилик қила олмай, деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланиб кетган.

Қорақалпоқ заргарлари турли хил аёллар тақинчоқлари: сирғалар, билагузуклар, узуклар, ҳайкалчалар, узуклар, тугмалар, туморлар, аребеклар ва бошқалар ясаганлар. Кўпгина заргарлар мис қумғонлар, носвой қутичалар, кўзалар, косалар, сандиқ қулфлари ва бошқа буюмларни нарсаларни ясаган. Улар асосан бой одамлар томонидан буюртма қилинади. Қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумушлар билан безатилган камарлар, шунингдек, эркакларнинг маржонлари фақат бадавлат кишиларнинг чўнтагига кўтариши мумкин эди.

Баъзи заргарларнинг махсус устахонаси йўқ эди, бунақа ҳолларда заргарлар ўз уйида маҳсулот буюртма олишган. Махсус устахоналар эски уйлар ёки лойдан ясалган уйлар бўлган.

Заргарлик асбобларини дурадгорлар, баъзан эса ўзлари ясаган. Заргарнинг меҳнат қуроллари авлоддан-авлодга ўтиб келган. Заргарлик асбоблари сандиқ, болға, безак, қолип, арра, кески, қисқич, пенсе, сим, бурғу, пайвандлагичлардан иборат эди.

Заргарлик буюмлари учун асосий материал кумуш эди, олтин камдан-кам ишлатилган. Баъзан кумуш ва олтин аралашмаси кўшилиб, оч сариқ рангли металл ҳосил бўлган, уни "олтин" деб аташган. Ундан сирға, узук, билагузук ясаган [3, 56-бет].

Қорақалпоқ заргарларининг техник усуллари ҳар хил ва ранг-баранг эди. Улар зарб қилиш, куйиш, гравюра, сирка, қолиплаш, зарб қилиш, зарб қилиш, олтин ва кумуш билан қошлаш, сим буқиш ва бошқа да усуллардан фойдаланганлар.

Қорақалпоқ заргарлари ўз маҳсулотларини агат, феруза, марварид, маржон, олмос каби қимматбаҳо тошлар билан безатдилар. Тош

маҳсулотининг ўртасида ёки ён томонидаги тешикка жойлаштирилган.

Қорақалпоқ халқининг заргарлик буюмлари Ўрта Осиё халқлари маҳсулотларидан ўзининг бадий ўзига хослиги ва техникаси билан ажралиб туради. Улар кўпинча кумушдан ясалган, катта, безакли, кўплаб кумуш калит занжирлар билан безатилган. Айрим маҳсулотлар туркман ва қозоқ заргарлик буюмларига ўхшашдир [4, 70-бет].

Ҳозирги пайтда Республикасизнинг Нукус, Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Бухоро ва бошқа шаҳарларда заргар усталаримиз бугунги кунда янги материаллар ва шаклларни ишлатиш билан бирга, заргарларнинг энг яхши қадимий анъаналари ва бой тажрибаларидан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Улар ҳозирги авлод дидига мос нафис заргарлик буюмларини кўплаб ишлаб чиқариб, харидорларни янада хушнуд этмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Т. XIX-XX асрларда Ўзбекистон кандакорлик санъати. Тошкент 1994 йил.
2. Булатов. С. Ўзбекистон санъати тарихи. Тошкент. 1991 йил.
3. Давлатова С.Т. Трансформация традиционной одежды узбеков Кашкардарьинского оазиса (кон. XIX - XX вв.). Автореф. дисс. на соискание уч. ст. канд. ист. наук. – Ташкент, 2006. – 30 с.
4. Этнографические очерки Узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969. – 284 с.
5. Лобачева Н.П. К истории среднеазиатского костюма // Советская этнография. – М., 1965. – С.34-49].
6. Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент: «Изд-во лит. и искусства», 1988. -204 с.
7. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. – Ташкент: Узбекгосиздат, 1953. - 231с.
8. Этнография каракалпаков. XIX-начало XX века (материалы исследования). – Ташкент: Фан, 1980. – 234.